

Ақийда дарслари (23-дарс). Қуръони карим Аллоҳнинг каломи, маънан азалийдир



13:00 / 04.03.2019 6250

Бу сифат Аллоҳ таолонинг зотида азалдан қоим бир сифат бўлиб, у билан У Зот амр қилувчи, наҳий қилувчи ва хабар берувчидир. У Зот у ила Ўз расулларига Қуръон, Таврот ва Инжил каби ваҳийларини билдирган.

Бу сифатнинг Аллоҳ таолода собитлигига Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан далиллар бор.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

﴿تَكَلَّمَ اللَّهُ بِكَلِمَاتٍ مُّوسَىٰ وَكَلَّمَ﴾

«**Ва Аллоҳ Мусо ила ўзига хос гаплашди**», деган (164-оят).

Аллоҳ таоло Тавба сурасида:

اللَّهُ كَلَّمَ بِسَمْعٍ حَقٍّ فَأَجْرُهُ أَسْتَجَارَكَ الْمُشْرِكِينَ مِنْ أَحَدٍ وَإِنْ

«Агар мушриклардан биронтаси паноҳ сўраса, унга паноҳ бер, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин», деган (6-оят).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Меърожга чиққанларида Аллоҳ таоло билан гаплашганлари кўплаб саҳиҳ ҳадисларда келган.

Араб тилида икки нарсага «калом» дейилади.

Биринчиси: ичида пайдо бўлган гапни лафзлар билан ифода қилиш «калом» дейилади.

Иккинчиси: гапириш учун ичида тайёрлаб қўйилган маъно ҳам «калом» дейилади.

Мисол учун, «Менинг сенга айтадиган гапим бор», дейилади. Ҳали айтилмаган бўлса ҳам, уни «калом» дейилаверади.

Аллоҳ таолонинг калом сифати ақийда илмида чуқур ўрганилган масалалардан биридир. Деярли ҳар бир ақийда китобида бу масалага алоҳида эътибор берилгандир.

Жумладан, «Шарҳи Ақийдатут-Таҳовия» китобида бу ҳақда қуйидагилар айтилади:

«Ва албатта, Қуръон Аллоҳнинг каломидир. Қуръон У Зотдан кайфиятсиз сўз бўлиб зоҳир бўлди. У Зот уни Ўз Расулига ваҳий сифатида нозил қилди. Мўминлар уни ана шу ҳолда «ҳақ» деб тасдиқ қилдилар ва уни «ҳақиқатда Аллоҳнинг каломини» деб қаттиқ ишондилар. У одамларнинг каломига ўхшаб, махлуқ эмасдир.

Ким уни эшитса-ю, башарнинг каломини, деб даъво қилса, батаҳқиқ, кофир бўлар. Батаҳқиқ, ундай одамларни Аллоҳ мазаммат қилган, айлаган ва унга дўзах ила дўқ урган.

Аллоҳ: «Тезда уни сақарга (дўзахга) киритаман», деган (*Муддассир сураси, 26-оят*).

«Қачонки Аллоҳ «Бу башар сўзидан ўзга ҳеч нарса эмас» деган кимсага сақар (дўзах) билан дўқ урганидан кейин, билиб, қаттиқ

ишондикки, албатта, у башар Холиқининг сўзидир. Башарнинг сўзига ўхшамас» (Муддассир сураси, 25-оят).

Шарҳ: Ушбу жумлаларнинг «Ва» сўзи билан бошланиши уларнинг ўзидан олдинги жумлаларга боғланганини билдиради.

«Қуръон У Зотдан кайфиятсиз сўз бўлиб зоҳир бўлди».

Яъни: Қуръон Аллоҳ таолодан зоҳир бўлган сўздир. Аммо унинг қандай сўзлангани кайфиятини билмаймиз, деган маънодадир.

«Қуръон» аслида масдар, яъни ўзак бўлиб, гоҳида «қироат» маъносини англатади. Аллоҳ таоло:

﴿٧٨﴾ مَشْهُودًا كَانَتِ الْفَجْرُ قُرْآنًا إِنَّ الْفَجْرَ وَقُرْآنًا

«Ва «фажр Қуръони»ни ҳам. Албатта, «фажр Қуръони» гувоҳлантирилгандир», деган (Исро сураси, 78-оят).

Фажр вақтида Қуръон қироатига фаришталар шоҳид бўлурлар.

Набийимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қуръонни овозларингиз ила зийнатланг!»** деганлар.

Абу Довуд ривоят қилган.

Яъни «Қуръонни» деганда Қуръон қироати назарда тутилгандир.

Гоҳида эса «Қуръон» дейилганда ўқилган нарса кўзда тутилади.

“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан